

МОШНИНГ АСОСИЙ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ КИМЁВИЙ КУРАШ УСУЛЛАРИ

Саъдуллаева Маҳлиё Акмалжон қизи

Тошкент давлат аграр университети Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва карантин кафедраси ассистенти
ORCID ID 0009-0000-7581-3274

Аннотация. Ушбу мақолада мошнинг асосий зараркунандаси ўргимчаккананинг мош экинига учраши ҳамда ўсимликга келтирадиган зарари ёритилган бўлиб зараркунандага қарши самарали кимёвий кураш усули қўлланилган. Бунда ўргимчакканага қарши инсектоакарицидлардан Фабамек 6,4% эм.-0,2 - 0,3 л/га, Абабек Плюс 3,8% эм.к.- 0,1 л/га сарф миқдорда қўлланилган ва олинган натижалар жадвалда келтириб ўтилган.

Калим сўзлар: мош, ўсимлик, зараркунанда, ўргимчаккана, кимёвий препарат, ҳосилдорлик, самарадорлик.

Аннотация. В данной статье рассматривается основной вредитель маш (бобовое растение) – паутинный клещ и вред, который он наносит растению. В данном случае использовали Фабамек 6,4% эм.к.-0,2-0,3 л/га, Абабек Плюс 3,8% эм.к.- 0,1 л/га, полученные результаты представлены в таблице.

Ключевые слова: маш (бобовое растение), растение, вредитель, паутинный клещ, химический препарат, продуктивность, эффективность

Abstract. This article examines the main pest of mung beans (legume) - the spider mite and the harm it causes to the plant. In this case, Fabamek 6.4% EC - 0.2-0.3 l/ha, Abamek Plus 3.8% EC - 0.1 l/ha were used, the obtained results are presented in the table.

Keywords: Mash (legume plant), plant, pest, cob mite, chemical preparation, productivity, effectiveness

Кириш. Инсон саломатлиги учун энг зарур бўлган ва бошқа ҳеч бир нарса билан алмашиб бўлмайдиган озиқ-овқат маҳсулотлари сирасига кирадиган дуккакли экинлардан олинадиган ҳосил муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳаммамизга маълум. Дуккак экинлари орасида мош оқсил, ёғ ва углеводларга бой бўлганлиги сабабли инсон организми томонидан кўп талаб қилинадиган маҳсулот ҳисобланади.

Шу сабабдан бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири мош, ловия, нўхат экинларини етиштириб, улардан юқори ҳосил олиш ва аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш учун дуккакли дон экинлари экилган майдонларда мавжуд бўлган зараркунанда ҳашаротлар сонини кескин камайтириш ва ҳосилни тўлиқ сақлаб қолиш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Мош кенг майдонларга экилиши билан бошқа дуккакли дон экинларидан ажралиб туради. Ҳозирда мош республикамизда суғориладиган майдонларга асосан бошоқли дон экинларидан кейин такрорий экин сифатида экиб келинмоқда. Бу ўсимлик юқори калорияли, ширин бўлиб, тез ҳазм бўлади. Дони таркибида ўртача 24,7% оқсил, 50,4% углеводлар ва 1,5% мой бор, кўк массаси эса чорвачилиқда тўйимли ем-хашак ҳамда силос тайёрлашда ишлатилиши билан юқори аҳамиятга эга. Мошни кўк массаси ерга яшил ўғит сифатида ҳайдаб юборилса ундан кейин экиладиган экинларнинг ҳосилдорлиги ошади, унинг илдиз қисмида ҳосил бўладиган тугунаклари ёрдамида ерда ўрта ҳисобда гектарига 50 – 100 кг ўсимлик ўзлаштириши осон бўлган соф азот тўплайди.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, мош экинларида бир қанча зараркунандалар пайдо бўлиб, бу зараркунандалар, яъни ўргимчаккана, ғовак ҳосил қилувчи пашшалар, тунламлар, туганак узунбурунлар, донхўрлар ширалар, трипслар, қандалалар, чигирткалар ва бошқа бир қанча зараркунандалар томонидан зарар келтирилиш оқибатида ҳосилдорликни кескин камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

2021-2022 йилларда мош экинида учраб зарар келтирадиган зараркунандаларни ўрганилганда бу экинларга асосан сўрувчи зараркунаналардан ўргимчаккана кучли зарар етказиши аниқланди.

Ўргимчаккана - (*Tetranychus urticae* Koch) - сўрувчи зараркунанда бўлиб, бошқа зараркунандалардан келтирадиган зарари билан ажралиб туради. Бу зараркунанда бир қанча қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандаси ҳисобланиб, айниқса, мош ва ловияга катта зарар келтиради. Маълумотларига кўра, Ўзбекистон шароитида оддий ўргимчаккана 12 – 15 август бериб кўпаяди. Шунинг билан бирга ўргимчакканаларнинг кўпайиши уларнинг озиқ муҳити билан бевосита боғлиқ. Айниқса уларнинг урғочи зотлари оқсилга бой ўсимликлар билан озиқланганда серпушт бўлиб, бир авлодининг ривожланиши учун керак бўладиган вақт ҳам қисқаради.

Зарари. Ўргимчаккана мош экилган майдонларда кенг тарқалиб, у асосан ўсимлик 4 – 5 чинбарг чиқаргандан бошлаб барглари орқасига жойлашиб олиб ширасини сўриб озиқланади, ўргимчаккана билан зарарланган барглар юзаси қизариб қуриб тушиб кетади, натижада илк тупдаги донлар етила олмасдан пуч бўлиб қолишига сабаб бўлади. Бу зараркунанда зарарлаган мош экилган майдонлар 40-50 % гача зарарланиши кузатилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда мош экинлари зараркунандаларига қарши иқтисодий тежамкор, экологик хавфсиз кураш чора – тадбирларини ишлаб чиқилмоқда.

Материаллар ва услублар. 2022 йилда мош зараркунандаларидан бири ўргимчакканаларга қарши қўлланилган кимёвий препаратлар самарадорлигини ўрганиш мақсадида Тошкент вилояти Қибрай тумани Ўсимликларни генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти тажриба хўжалигида дала тажрибалари олиб борилди. Тадқиқотларимизда мош экинида ўргимчакканага қарши 2 турдаги кимёвий препаратларни (акарицидларни) синовдан ўтказдик. Тажрибада инсектоакарицидлар Фабамек 6,4% эм.-0,2 - 0,3 л/га, Абабек Плюс

Мошда ўргимчакканага қарши акарицидларнинг биологик самарадорлиги.

(Дала тажрибаси Тошкент вилояти Қибрай тумани Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти тажриба хўжалиги, дала тажрибаси, ишчи суюқлиги сарфи 300 л/га, 2022 йиллар)

№	Вариантлар	Преп. сарф миқдори, л/га	Зараркундаларнинг ўртача 1 баргдаги сони, дона					Биологик самарадорлик, %					
			Дори сепил-гунча	Дори сепилгандан кейин, кун.					1	3	7	14	21
				1	3	7	14	21					
1.	Фабамек 6,4% эм.к.	0,2	40,5	27,2	14,5	10,7	7,8	12,1	33,5	62,8	79,0	83,7	80,2
		0,3	42,8	19,3	12,7	5,8	2,9	10,6	52,1	71,1	87,6	91,9	85,2
2.	Абамектин плюс 3,8% эм.к.	0,1	35,9	14,7	11,4	4,9	2,3	11,4	62,4	71,3	86,9	92,3	80,4
3.	Назорат (ишлов берилмаган)	-	40,3	42,1	44,7	51,3	65,5	76,8	-	-	-	-	-

3,8% эм.к.- 0,1 л/га сарф миқдорда ўргимчакканаларга қарши қўлланилди. Назорат вариантыда эса ўргимчакканаларга қарши акарицидлар билан ишлов берилмади.

Препаратларнинг пуркалиши К – 90 маркали маторли қўл пуркагичи ёрдамида 300 л/га ишчи суюқлиги сарфи ҳисобига олиниб амалга оширилди. Тажриба қўйиш ва унинг самарадорлигини ҳисобга олиш ишлари умумқабул қилинган услуб асосида олиб борилди, самарадорлиги эса Аббот формуласи (1925) ёрдамида бажарилди.

Натижалар ва мунозара. Олинган натижаларга кўра, мош экинида ўргимчакканаларга қарши Фабамек 6,4% эм.к. препарати 0,2 л/га сарф миқдорда қўлланилган вариантда 7 ҳисоб

кунида назоратга нисбатан 79,0 % самарадорликка эришилган бўлса, 0,3 л/га сарф миқдорида қўлланилган вариантда 87,6 % самарадорлик кўрсатди. 14 ҳисоб кунига келиб эса бу кўрсаткичлар 83,7 – 91,9 % гача етди. (1-жадвал).

Абамек Плюс 3,8% эм.к.-0,1 л/га сарф миқдорда қўлланилган вариантимида биологик самарадорлик 7 ҳисоб кунига 86,9 % ни ташкил қилган бўлса, 14 ва 21 кунлари бу кўрсаткич 92,3 % - 80,4 % га етди.

Хулоса қилиб айтганда, мошда ўргимчакканага қарши инсектоакарицидлар Фабамек 6,4% эм.-0,2 - 0,3 л/га, Абамек Плюс 3,8% эм.к.- 0,1 л/га кўрсатилган сарф миқдорда қўлланилса юқори самарадорликка эришса бўлади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Махмудхўжаев Н.М., Сағдуллаев А.У.- Дуккакли дон экинларининг асосий зараркундалари ва касалликларига қарши кураш. Тавсиянома. Тошкент-2012.
2. Хўжаев Ш.Т. Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. Тошкент. 2004й.
3. Отабоева Ҳ., Умаров З., Бўриев Ҳ, Дўстмуродова С., Қурбонов Ф., Алимов А., Раҳимов Ф., Массино И., Қодирхўжаев О. Дуккакли дон экинларининг умумий тавсифи. Нўхат. - Тошкент. - 2000.